

Дин ҳақидаги тушунчанинг бузилиши



13:48 / 02.12.2024 2479

Европаликларда, юқоридаги сафсаталардан сўнг, илм-фан Худо йўқлигини исбот қилди, унда дин қаердан пайдо бўлган, динга қандай муносабатда бўлиш керак каби саволлар келиб чиқди. Бу ва бунга ўхшаган саволларга Худони йўқ деган тоифалар жавоб бера бошладилар.

Улар аввало диннинг «пайдо бўлиши» ҳақидаги қуйидаги сафсатани тўқидилар:

«Аввалги одамлар илмсиз, жоҳил бўлганлар. Улар момақалдироқ, чақмоқ, довул каби табиатдаги ҳодисаларнинг асл моҳиятини англаб етмаганлар. Бу нарсаларни қандайдир олий куч қилаётган бўлса керак деган хаёлга борганлар. Кейинроқ ўша олий кучга худо деган ном қўйганлар. Уни ҳаммадан кучли ва билағон деб ўйлаганлар. Кейин одамлар ичидан баъзи эпчил ва уддабуронлари, Худо менга хабар юборди, деб, бошқа одамларни алдаб ўзини пайғамбар қилиб олган. Худонинг номидан гапириб одамларни ўзига қарам қилган. Бундан кишиларни эзувчи синфлар унумли фойдаланганлар ва одамларни эксплуатасия қилишда динни ўзларига қурол қилиб олганлар. Нима бўлса Худодан деб одамларни сабрга чақирганлар».

Худосизларнинг доҳийларининг энг катталаридан бири Карл Маркс «Дин халқлар учун афюндир» деди.

Ўша пайтда дин ҳақида энг қўпол ва энг шармсиз гапларни айтганлар қаҳрамонга айланиши турган гап эди. Улар дин деганда ўзларини Европада асрлар оша жаҳолатда, қолоқликда, азоб уқубатда, зулматда ушлаб ушлаб келган бузуқ дин асосидаги черковни тушунишар эди. Аммо ўзларининг бу гаплари кейинчалик барча динларга, жумладан, уларнинг уйғонишига ва озодликка чиқишига сабаб Аллоҳ таолонинг ҳақиқий ва баркамол дини Исломга ҳам тамға бўлиб қолишини хаёлларига ҳам келтирмас эдилар.

Ўша пайтда ўз фикрини билдиришга имкони бор барча тоифалар; ёзувчилар, адиблар, муаллимлар, жамиятшунослар, сиёсатчилар ва бошқалар бир овоздан динни қоралашар ва моддапарастликни ҳаддан ташқари улуғлашар эдилар. Аммо улар ҳар қанча уринмасин оддий халқ ичида диндан бутунлай воз кечишга тайёр эмаслари кўплиги эътиборидан кейинроқ бир оз шаштларидан тушдилар. Мекофеллига ўхшаш баъзи сиёсатчилар ва уларнинг ҳамфикрлари, агар дин бўлиши керак бўлса, ҳар кимнинг шахсий иши бўлиши лозим, дедилар. Яна бирлари, менимча, дин ундай бўлиши керак, деди. Учинчилари, менимча, дин бундай бўлиши керак, деди. Охир оқибат кўплашиб, дин қандай бўлиши кераклигига келишдилар.

Динни черков биноти ичига олиб кириб жойлаштирдилар. Унга ўша ердан ташқарига чиқмасликни яхшилаб уқтирдилар. Диндорликни истаган киши, якшанба куни черковга келиб хоҳлаганича диндорлик қилиш ҳурриятига эга бўлди. Шундан кейин диндорлик қилишни истаганлар, ҳафтанинг олти кунида доллар, фунт ва бошқа пул бирликларига ибодат қилиб, якшанба куни истаса, черковдаги ҳайкалларга чўқинадиган бўлди.

«Олам ва одам, дин ва илм» китоби асосида тайёрланди

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 30 ноябрь 03-07/9089-сонли хулосаси асосида тайёрланди.